

Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган


ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ 1997 йил 24 декабр Чоршанба. № 99 (14491)

ЭЪТИРОФ

1997 йил якунланаяпти ва мамнуният билан шунини таъкидлаш керакки, у қайсидир маънода давлатлараро ўзаро муносабатлар ривожланишида тарихий йил бўлди. Япония Либерал-демократлар партияси вице-президенти жаноб Кейзо Обучи ва иқтисодий режалаштириш вазири Таро Асонинг мамлакатингизга ташрифлари уларнинг муҳим босқичига айланди. Бу ташрифлар икки давлат ўртасидаги сиёсий мулоқот ва иқтисодий ҳамкорликнинг янада ривожланишига хизмат қилди.

Бу йил "Сони" йирик япон фирмаси ва "Фотон" ҳиссдорлик бирлашмаси ҳамкорлигида рангли телевизорлар йиғиш ишлари йўлга қўйилди.

Кочичи ОБАТА, Япониянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси



ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

23 декабр куни Дурмон қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Россия Федерацияси ҳукумати Раиси Виктор Черномирдин ўртасида яққам-яққам суҳбат бўлиб ўтди.

Ўзаро мулоқот чоғида томонлар халқаро ҳаётда юз бераётган муҳим воқеалар, минтақавий хавфсизлик, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларининг истиқболли йўналишлари билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Виктор Черномирдин ва Ислом Каримов Темурийлар тарихи Давлат музейига ташриф буюрди. Музейдаги осори атиқалар — экспонатлар билан танишар экан, Россия ҳукумати Раиси Ўзбекистон халқи ўзининг буюк тарихи ва буюк фарзандлари

билан фахрланишга тўла ҳақли эканини таъкидлади. В.Черномирдин музейнинг фахрий меҳмонлар китобига ўз тилакларини ёзиб қолдири.

Шунинг билан Россия Федерацияси ҳукумати Раиси Виктор Черномирдиннинг мамлакатимизга амалий ташрифи ниҳоятда етди. Ташриф давомида муҳокама этилган масалалар, ўртага ташланган амалий тақдирлар ҳамда имзоланган ҳужжатлар маъруз сафарнинг самарали бўлганини таъкидлади.

Шу кунги Виктор Черномирдин Тошкентдан жўнаб кетди. Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кузатиб қолди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Буюк мусаввир Камолиддин Бехзод таваллудининг 545 йиллигини нишонлаш тўғрисида

Туркистон миниатюра мактабининг асосчиси, буюк мусаввир Камолиддин Бехзод бетакрор ижодий меросини халқимизга тўла етказиш, ёш авлодни халқимиз маданияти тарихи билан гурурданиш ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга зарур шарт-шароит яратиш ҳамда буюк мусаввир таваллудининг 545 йиллигини кенг нишонлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

1. Ўзбекистон Бадий академияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият ишлари вазирлиги, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ва ижодий зиёлиларнинг 2000 йилда буюк мусаввир Камолиддин Бехзод таваллудининг 545 йиллигини кенг нишонлаш ҳамда Тошкент шаҳрида Камолиддин Бехзод номида Мемориал боғ барпо этиш тўғрисидаги тақлифлари қабул қилинсин.

2. Камолиддин Бехзод Мемориал боғи Тошкент шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 40-бинога туташ хиебонда барпо этилсин.

3. Камолиддин Бехзод таваллудининг 545 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитасининг таркиби тасдиқлансин.

4. Ташкилий қўмита бир ой муддатда юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тадбирларини ишлаб чиқиш таъкидлансин.

5. Ўзбекистон Бадий академияси Камолиддин Бехзод Мемориал боғини барпо этиш учун лойиҳалаштириш ва қурилиш бўйича буюртмачи этиб тайинлансин.

6. Лойиҳаловчи ва бош пудратчи танлов /тендер/ асосида танлаб олинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги Камолиддин Бехзод Мемориал боғини барпо этишни 1999-2000 йиллар инвестиция давлат дастурига киритсинлар ҳамда Ўзбекистон Бадий академиясига 1998 йилда танлов ва лойиҳалаштириш ишлари учун марказлаштирилган маблағ ажратсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Камолиддин Бехзод ва унинг издошлари ижодини ўрганиш, меросларига оид ашёларни тўплаш мақсадида чет элларга буювчи илмий экспедицияларни ташкил этишга амалий ёрдам кўрсатсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Камолиддин Бехзод юбилейини кенг нишонлаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш, амалга оширинлар.

10. Оммавий ахборот воситаларига Камолиддин Бехзод юбилейига тайёргарлик кўриш ишларининг боришини кенг ёритиш тавсия этилсин.

11. Маъруз қарорининг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И.Журабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1997 йил 23 декабрь

Спорт

Саломатлик спартакулагаси

Навоийда инсон манфаатлари йилига бағишлаб, «Саломатлик» спартакулагаси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан спортчилар қатнашди. Тўрт кун давом этган бу тадбирни Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси ҳамкорликда ўтказди. Спортнинг мини-футбол, теннис, енгил атлетика, бокс ва бошқа турлари бўйича ўтган мусобақалар якунига қўра умумкоманда ҳисобида навоийликлар биринчи, Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари спортчилари иккинчи, учинчи ўринларни эгалладилар.

Спартаклада голибарини Навоий вилояти ҳокими Х.Ғафоров, Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б.Махситов табриклади.

Б.УМАРОВ, ЎЗА мухбири.

"МАЪНАВИЯТ — ҚАЛБ КЎЗГУСИ"

Тўғараги аъзоларининг наватдаги қизиқарли кечаси "Инсонда ҳамма нарсаси гўзал бўлмоғи керак" деб номланди. Тошкент Давлат Жаҳон тиллари университети лицейи қошида Зарифа Рашидова раҳбарлигида ташкил-этиланган ушбу тўғарақ ҳаммаша ўқувчиларнинг диққат эътиборида. Тўғарақ аъзоларининг ҳар бир чиқишлари қатнашчиларда катта таассурот қолдирмоқда.

Тўғарақ таркибида ёш қаламкашлар, драма ва бадий ҳунармандчилик бўлимлари мавжуд. Тўғарақнинг фаол аъзолари Даврон Азизов, Шаҳзода Ҳолмухаммедова, Даврон Тўраев, Нодира Хотамова ва Улугбек Нурмухаммедовларнинг ижодий ишлари билан тенгдошларига ўрناк бўлмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Иқтидорлилар — юрти бахтини

ЁШИДАН ЎЗГАН АЛИШЕР

ЁКИ 12 ЁШИДА 9-СИНҒДА ЎҚИЁТГАН БОЛА

Беш ёшли ўғлининг иқтидорини сезган Туробак ва Ибодат опа уни мактабга беришди. Алишер ўз билими билан синфдошларинингизга эмас, балки ўқитувчиларини ҳам қўйиб қолдирди. Ургут тумани халқ таълими бўлимига қарашли 36-мактаб жамоасининг қарори билан Алишер 1-синфни битказмай 2-синфга қабул қилинди.

Тиниб-тинчимай, ўқиб-изланган болакай 10 ёшида 7-синф ўқувчиси бўлди.

Бир кунги ойна жаҳонда Тошкентдаги Шарқ тиллари лицейи ҳаёти ҳақида кўрсатув бўлди. Ўқувчиларнинг инглиз, форс, араб тилида бемало гаплашишлари Алишерда ҳавас уйғотди. У ҳам шу лицейга бориб ўқишга қарор қилди.

— Алишер ўзинг ҳавас қилиб келган лицейдаги таълимдан қўнглинг тўлайтими?

— Лицейда менг ҳавас қилгандек билим беришаркан. Инглиз тили ўқитувчимиз Мунира опа, форс тили муаллими Гўлчехра опадан миннатдорман. Энг асосийси ўқиш учун ҳамма шарт-шароит старли. Бу ерга келиб компьютерда ишлашни ҳам ўрганиб олдим.

— Энг кўпроқ нимани соғинясан?

— Уйдагиларни.

Собир Раҳимов туман халқ таълими бўлимига қарашли Шарқ тиллари лицейи Тошкентда донмий истиқомат қилувчи ўқувчиларни қабул қилади. Ундан кейин Алишер мактабда француз тилини ўқиган. Бу ерда эса инглиз тили ўқитилди. Нима қилиш керак? Алишер фақат шу ерда ўқишни хоҳлайди.

Масала лицей директори Шоира Эрназарова билан ҳал этиладиган бўлди. Опа таввақал деб соғуқдан бурни қизарган болакайни хонасига олиб кирди. Лицей директори инглиз тилида сўради:

— Бурнинг нега қап-қизил?

— Жавоб ҳам инглиз тилида бўлди.

— Хонангиз иссиқ экан, аммо ташқари жуда совуқ.

— Алишер ўқинда қийнаймайсанми, ёшиг кичкина-ку?

— Ёшим кичкина бўлса

ҳам, қаллам яхши ишлайди.

— Сен инглиз тилини қаред ўрганисан?

— Мустақил ўзим. Мактабда француз тилини ўрганганман. Лицейингизда ҳам яхши ўқишга ваъда бераман.

Шундай қилиб ўн бир ёшли ургутлик Алишер Раҳимов лицейнинг 8-синфига қабул қилинди.

— Агар ўқиган бўлсанг "Туркистон" да сен каби иқтидорли болалар ҳақида кўп ёзганмиз.

— Ҳа биламан. Президентга хат ёзган Мурод, Жаҳона...

— Сеннинг ҳам йўлбошимизга ўзингни қилаётган ишларинг, орзуларинг ҳақида мактуб ёзиш ниятинг борми?

— Кўпинча ёзман, тўғриси уларга юборишга уяламан. Аммо ниятим юр-

тимизнинг меҳрибони Ислом Каримовдек иқтисодчи олим бўлиш.

— Ўзи сенингча иқтисодчи ким?

— Иқтисодчи ҳаммани яхши кўради, пул топади. Уни халқи учун сарфлайди.

Юртининг доврғини дунёга танитади.

Иқтисодчи кўп чет тилларини билиши керак. Мен эса ҳозирча атиги форс ва инглиз тилини биламан...

Алишер билан суҳбатлашиб кўнгил енгилгина бир таскин топди.

...Бобурмиро 12 ёшида давлатни бошқариш йўлларини ахтарган эди...

...Алишер мирос 12 ёшида юртининг эртаси учун қайғурмоқда...

Лайло КАРИМОВА, "Туркистон" мухбири

ИНТЕРНЕТ ШИЛАРЛА

Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг маслаҳатчи ҳамда назоратчиларидан иборат гуруҳи Белоруссияда иш бошлади. Матбуотда эълон қилинган муносабатномага қўра маъруз гуруҳ мамлакатда демократик институтлар фаолиятини мустаҳкамлаш ҳамда ЕХХТ нинг бошқа мажбуриятларига амал қилинишига кўмаклашади.

АҚШ Президенти Билл Клинтон америкалик тинчликпарвар ҳарбийларни маънавий қўллаб-қувватлаш учун Боснияга келди.

Юзлаб европалик кўчманчилар Иордан дарёсининг гарбий қирғоғидан Исроил хавфсизлик кучларини олиб чиқиб кетилишига қатъий қаршилик кўрсатмоқда.

— Голливуднинг энг қиммат "Титаник" фильми яратувчиларга 200 миллион долларга тушган эди. Орадан қисқа вақт ўтса-да, у 27 миллион 600 минг доллар даромад келтирди. "Ассошиэтед Пресс" агентлигининг маълумотига қараганда, фильмининг даромади яна бир неча марта ортиб кетиши кутилмоқда.

Немис газетаси "Шверинер Абендблат"нинг ёзишича, кўпгина Европа давлатларига иқтисодий инкироз хавф солмоқда. Кетма-кет ёққан қор ўша мамлакатларнинг қўшлок ҳўжалигини буткул издан чиқармоқда.

У. ТОҲИРОВ

ЁШ АВЛОД ТЎҒРИСИДА ФАМХЎРАИК

Тошкентда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раёсатининг мажлиси бўлди. Уни Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д.Ғуломова бошқарди.

Мажлис иштирокчилари Андижон ва Самарқанд вилоятлари хотин-қизлар қўмиталари республика ва вилоят конференцияларида қабул қилинган «Давлат, оила ва жамият — ёшларни тарбиялаш муаммолари» қарорларини қандай бажараётганини муҳокама қилдилар. Хотин-қизлар ташкилотлари маҳаллий ҳокимият органлари, маҳалла қўмиталари, турли жамоат тузилмалари билан биргалликда янги, демократик жамият қуриш шароитида ёш авлодни тарбиялаш юзасидан муайян ишларни амалга оширгани айтилди. Ёшларнинг олимлар, маданият арбоблари, ҳуқуқшунослар, тибиёт ҳодимлари, иқтисодчилар билан учрашувлари ўтказилмоқда. Йигитлар ва қизларни оила қуришга тайёрлаш, уларга халқ анъаналари ва урф-одатларини ўргатиш ҳам хотин-қизлар қўмиталарининг диққат марказида турибди.

Бироқ, мажлисда айтилганидек, бу иш ҳамма жойда ҳам тегишли даражада ташкил этилмаган. Мисол учун олганда, Самарқанд вилоятининг баъзи туманларида ёшларга ҳуқуқий, экологик таълим беришга, уларни аждодларимизнинг маъна-

вий меросига, умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга кам эътибор берилмоқда.

1997 йилда инсон манфаатларини таъминлаш чора-тадбирлари дастурининг аниқ кўрсатмаларини амалга ошириш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, бу йил маданият-маърифий ишларда, айниқса олим туманларда таниқли артистларнинг хайрия концертларини, маданият арбоблари, ёзувчилар билан учрашувларни ташкил этишда республика Хотин-қизлар қўмиталари қандай иштирок этгани тўғрисида гап борди.

Мажлис иштирокчилари республика Хотин-қизлар қўмитасининг 1998 йилнинг биринчи ярми учун иш режасини тасдиқладилар, бу режага оилани мустаҳкамлаш, жамият ҳаётида унинг обрўсини ва макенини оширишга қаратилган тадбирлар асос қилиб олинган. Оила йили деб эълон қилинган келгуси йилда бошқа жамоат ташкилотлари билан биргалликда «Йилнинг энг яхши оиласи» ва «Энг ибратли келинчақ» республика танловларини ўтказиш тўғрисидаги низоми тасдиқланди.

Муҳокама қилинган бошқа масалалар юзасидан ҳам тегишли қарорлар қабул қилинди.

Анна ИВАНОВА, ЎЗА мухбири.



УСМОЗТА МАКМУБЛАР

И.Гафуров "Илтижо" Мансуралар, 1991 й.

1937 йил. Замҳарир қиш чилласи.
... Мен туғилганда Қаҳратон эди.
Қодирий йўқ эди.
Икромов йўқ эди.
Чулпон йўқ эди.
Фитрат йўқ эди.
Носирий йўқ эди...
(“Мен туғилганда...” Мансура-2)

1. ИЛТИЖО

“...Одам дунёда нигоҳдошлар, юракдошлар излар экан-да...”
Асли ёлғиз юрак билан келиб, ёлғиз юрак билан кетаркан.
...Одамдан боғ ҳам, бола ҳам қолади, бироқ мактаб қолса, миллат мактаби қолса бошқача-да...
...Мен кичик бир йигинда қалбимга сингиб қолган ана шу сўзларни кўп такрорлаб юрдим. Мен ўша дам ўзимга бир кутб кашф қилгандим. Кўшиқ тўла юрагимнинг беғубор оламини кўрганимда, эслганимда беихтиёр мамнунлик ҳиссини уйғотадиган битта ёрқин, ҳикосор кўнгилли сиймога бойинга яшатириди. Кўшиқларим кўпайди. Яшларим кўпайди.
Кейин китоб жавонларидан ўша исмини, оидин исмини излайдиган бўлдим.
Бир кун “Илтижо”ни топ-тиб олдим...
Ай-

сеғоҳни тингла” Мен сеғоҳ ичида қолиб кетдим...

4. СЎРОВ

Толстойни, Достоевскийни, Бальзакни таржима қилиш осонми, ахир? Биласанми қанча қалб, ақл, бардош керак деди дугонам.
Уйладим, инсон қалби энциклопедиясини ўрганиб, ақл ва руҳ бирликлари устида, миллатнинг қайгулари остида яшаётган Иброҳим Гафуров ҳақида сўз айтишга ҳаққимми, ҳуқуқимми борми?..

5. ҚОШ ТОЛАСИ -- КЎЗ ЁШ

“...шу асно китоб варағи орасидан янги саҳифасини очганимда узун ва қоп-қора қош толаси тушиди тиззамга...
Не замонлар бўлганда отамни соғинганимга...
...Ота номангизни олдим.
Сўнг авайлаб жойлаб қўйдим қошигини яна ўша кўҳна китоб саҳифасига
Умид қилдим:
Мендан сўнг ҳам ўқирлар у китобни Соғинганлар...”

(Кип-риқ. Мансура-2)

Менинг сеғоҳим “Илтижо”ни варақладим, силкиб-силкиб кўрдим. Мен ҳам қош толасини изладим... Қош толаси эмас, кўз ёшларини тўкилиб кетди... Яна кўз ёшларимни солиб қўйдим, умидландим токи,
Мендан сўнг ҳам ўқирлар у китобни. “Илтижо”ни... СОҒИНГАНлар, соғинсалар...

6. ШУКРОНА

1997 йил 27 декабрда замҳарир қиш чилласида Иброҳим Гафуров 60 ёшга тўладилар, деб эшитдим. Иброҳим ака!
1937 йил 27 декабрда қаҳратон эди, унда: Қодирий йўқ эди. Икромов йўқ эди. Чулпон йўқ эди. Фитрат йўқ эди.

Энди бутун 1997 йилнинг 27 декабрда, Ойбекда йўқ, А.Қаҳорда йўқ, Улмас Умарбеков ҳам йўқ, Шавкат Раҳмон-да йўқ.
Бирок шулар эвазига, (Худо билгувчи), бугун: ОЗОДЛИК борку, ХУРЛИК борку, ЭРК борку, Уйғонаётган миллат борку...
Шукрона айтилайки, шукр қилайлик... дейман. Озод Шарофидинов борку, Абдулла Орипов борку, Эркин Воҳидов борку, Нажмиддин Комил борку, Иброҳим Гафуров борку, Борларимизни ардоқлагим келадди, асрагим келадди.

7. ТАБРИК

Мен табрикламоқчи эдим. 60 ёш бу -- фасл. Миллат-дек мўсафид, кўнгилдек ёш фасл. Миллат фаолиятининг, тикланиш таянчнинг 60 йиллик узун йўлидир бу фасл.
“...вақт бошимдан оқиб ўтаётган.
Оқиб ўтаётган вақт кўзимдан Булоқ қилди мени вақт...”
(Оқиб ўтади. Мансура-49)
Иброҳим ака!
Оқиб ўтаганини пок ўтаётган, оқиб келаятгани-да пок, оқайгани ҳам. Сиз биз сув, илм, комиллик излаб кетаятганимизда учраган энг тоза булоқсиз, дерёсиз. Биз ҳам ичган дарёларимизни тавоф этгувчи бўламиз. СОҒИНГувчи бўламиз.

Гулжамол АСҚАРОВА,
ТошДУ талабаси

ШОТИРД ЭХТИРОМЧИ

*** Умрни узайтириш учун сабр-тоқат, ақл-идрок, илм ва ҳунарга эга бўлмоқ кифоя.**
*** Ҳеч ким бировдан андоза олиб муродига етмайди, чунки ҳар бир инсоннинг ўзи бетакрордир.**
*** Тонги кайфият кечга бориб ўзгарса, бунинг учун кимнидир айблаш жоиз эмас. Зеро, одамзод кўғирчоқ бўлолмайди.**
*** Ишқ-ҳавасга эрк бериб, борлиқни унутганларга вафодорлик бегона.**
*** Ҳар қадамда мўъжизага дуч келишимиз мумкин. Бунинг учун ўзинг ҳам мўъжиза яратишга қодир бўлмоғинг лозим.**
*** Ситам билан юракни асраб бўлмайди. Чунки унинг тили йўқ.**
*** Сохталикни фош қилишга унчалик бош қотирилмайди.**
*** Бахт ҳеч қачон сендан юз ўгирмайди, зеро, у барчанинг феъл-атворида лойиқ ҳолда қиё боқадди.**

*** Ҳаётда инсон бирини топиб, бошқасини йўқотади. Аммо ҳеч ким бир вақтнинг ўзида иккисига рўпара кела олмайди.**
*** Кўзингни юмиб, бугун кимга қандай яхшилик қилганингни ўйласанг, тананг роҳат оларкан.**
*** Инсон одатда орзу-умидлар билан яшайди. Ундан маҳрум бўлган одам қанотсиз қушга ўхшайди.**
*** Қўлимда қалам бор деб, бўлар-бўлмас нарса ёзиб уни ранжитманг. Чунки унда ҳам қалб бор.**
*** Энг аввало, ўзингни ҳурмат қил, зеро, бу ўзгаларни ҳам эъзозлашга ундайди.**
*** Амалдор бўлганида паст келиб, ишдан кетгач унга тош отадиганларнинг лабзи бўлмайди.**
*** Лавозимли шогирдига ялтоқланиб, хизматдан четлаштирилганда ундан тонадиган устоз -- устоз эмас.**
Ислом УСМОНОВ

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОПОТ» ЖАМГАРМАСИ
Ҳомий:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
«МАТБУОТ ТАРҚАТИШ УЮМАСИ» АССОЦИАЦИЯСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ
Навбатчи муҳаррир: **Суннат АЗЛАРОВ**



Ў к а т и з
тоғлари қишда
ҳам сайёҳлар,
ганги спортни
ишқибозлари билан
ҳатиша гавжум.
Бу ерга нафракат
тамақабитида бахши
хорижий эллардан
ҳам кўргилми дам
олиш учун наҳ-
тонлар келишади.

ҲИТОҲ

Тўлқин Қурбонов ўз ижоди билан элга танилган сермаҳсул бастакор. Унинг қаламига мансуб асарлар мавзуси ниҳоятда хилма-хил, оҳанглари ҳам миллийлик билан сўғорилган, бастакор симфоник оркестрдан самарали фойдаланиб, ундан ўзбек она оҳанглари ифодали йўллари билан ифодали бўлади. Т. Қурбонов ўз ижодида фольклордан кенг фойдаланади. Мақомни лар руҳиятини сезишимиз мумкин. Бастакор эътиборини тортган ушбу сиймолар мусиқа асарларида алоҳида бир эҳтиром ила талқин этилади. Гўёки ижодкор асарлар оша юксак кўтарилиб, тарихни ва унга доимо ҳамроҳ бўлган шахсларнинг инсониятдаги ўрнини қайта англаётгандек... Умуман Қурбонов табиатан файласуфдир. Ундаги файласуфна теран фикрлаш, мушоҳада қилиш қобилияти бастакор тафаккурининг ушбу хусусиятини намоиш этади. Бу унинг ижодида яққол кўзга

МУСИҚАДА ҲАЁТ

юқори баҳолаб, уни оғзаки анъанадаги профессионал мусиқанинг чуққиси деб ҳисоблайди.
Т. Қурбоновнинг номи мусиқашунослар ва санъаткорлар ўз тасаввурларида кўпинча полифонияга боғлиқдир, санъатшунос олим В.З. Плуғинг эса Қурбоновни “Полифоник ифода воситаларининг комуси” деб атади. Негаки, унинг ҳар бир асари полифония қонуниятлари ёрдамида ўз ечимини топади. “Инсоният мусиқа соҳасида полифониядан мурракбрак нарса ни кашф этмаган. Менинг мақсадим ўзбек мусиқасини полифония ёрдамида бойитиш”, дейди ижодкор. Ҳа, полифонияга мурожаат этган ушбу ижодкор ўзбек мусиқасини жаҳон миқёси даражасига олиб чиқишдек шарафли ишга қўл урган.
Драматургия масаласига келсак, бастакор асарларининг мазмун доимо ўзининг ривожига берилди. Унинг асарлари тингловчани нафақат асар мазмунидан оғоҳ этади, балки унинг ҳаётини ўзига эргаштиради. Қурбоновнинг ана шундай асарларидан бўлиш 5-симфония ҳақида мусиқашунос Н. Чахвалдэ шундай дейди: “Қурбоновнинг 5-симфонияси тингловчининг фаол иштирокига мўлжалланган. Асар ҳақиқий ижродан сўнг мустақил фикр юргазмоқчи талаб этади”.
Қурбонов ижодида юксак маънавият масаласи муҳим ўрин эгаллайди. Ижодида бир назар ташлаганда, унда Ибн Сино, Аҳмад Ясавий, Широк, Ҳамза каби тарихий шахс- ташланади. Унинг асарлари муаллифнинг маълум бир мавзуга бўлган шахсий қарашларини акс эттиради. Қурбоновнинг юксак дунёқароши у яратган мусиқий сиймоларининг чуқур файласуфлиги мандадир. Фикрни жамлаб мулоҳаза қилиши, жараёнинг акс этиши, пайдо бўлган гоъларнинг иҷам ва ҳаяжон туйғуси бирлигида узагилиши ижоднинг кучли ва ўзига хос томонларидир.
Т. Қурбонов талабчан устоз сифатида ҳам танилган. У М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат Консерваториясининг бастакорлик ва чулгулаштириш кафедрасида кўп йиллардан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу давр мобайнида унинг синфидан Н. Фиёсов, В. Сапаров, Қ. Ҳикматов, А. Расулов, Д. Омонуллоева каби ўз ижоди билан халққа танилган профессионал бастакорлар етишиб чиқди. Қурбонов ижодкорни тарбиялаш вазифасини тўғри тушунади, масъулиятини чуқур ҳис этади. Эҳтимол шунинг учун ҳам унинг шогирдлари ҳозирда мустақил равишда ўз йўллари топиб олганлар.
Мен ҳам келажакда ўз иқтидорим қирраларини кашф этишга устоз бастакор Тўлқин Қурбоновга муносиб шогирд бўлишга ҳаракат қиламан ва ўз устозим билан фахрланаман.
Ойдин АБДУЛЛАЕВА,
Тошкент Давлат Консерваториясининг талабаси

Китоб жавонингизга

ТАДБИРКОРГА ТАДБИР
Ҳозирги пайтда онгимизга ишбилармон, тadbirkор, пул, миллий валюта, банк, кредит, бюджет, солиқ каби тушунчалар борган сари кўпроқ сингиб бораётган ва қундалик ҳаётимиздан ўз ўрнини толмақда. Ўзбекистонда амалда олиб бораётган иқтисодий ислохотлар туфайли мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, хусусий мулк ҳамда тadbirkорлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ижобий ютуқлар қўлга киритилган. Айна кунларда “Меҳнат” нашриётида чоп этилган китобларнинг аксариятида ҳам ана шу мавзулар ёритилган.
“МЕНЕЖМЕНТ ВА БИЗНЕС АСОСЛАРИ”
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети олимлари томонидан тайёрланган мазкур китобда бозор иқтисодиётининг макро ва микроиқтисодиёт, маркетинг, менежмент, бизнес асослари, рақобатни ташкил этиш, ҳодимларни бошқариш, пулнинг макроқўламадаги таркиби, баҳо ва инвестиция ҳамда банк ишлари ҳақида, мулк ва тadbirkорликнинг шакллари, белгилари, корхонани бошқариш механизмлари, бизнес-режа, солиқ асослари хусусида маълумотлар берилган. Тўпلام олий ўқув юрталарининг талабалари, аспирантлар, солиқ назоратчилари ҳамда иқтисодиёт билан қизиқувчиларга мўлжалланган.
“СОЛИҚ: 100 САВОЛ ВА ЖАВОБ”
“ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР: 100 САВОЛ ВА ЖАВОБ”
1997 йилдан бошлаб “Меҳнат” нашриёти Тошкент молия институтини профессори, иқтисод фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Е. Абдуллаев раҳбарлигида тайёрланаётган “Иқтисодий ислохот ва молия — кредит тизими” туркумини чоп этишга киришди. Туркумини тайёрлашда молия, кредит, пул, банк, солиқ, сўғурта, инвестиция, қимматли қоғозлар, аудит, статистика, макро ва микроиқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби соҳасида кўп йиллик назарий тажрибага эга бўлган етакчи олимлар, мутахассислар қатнашди. 28 та китобдан иборат бўлган мазкур туркум савол-жавоб асосида тузилган бўлиб, уларда иқтисодий ислохотларни ривожлантириш тамойиллари, бу борда қабул қилинган фармон ва қарорлар, банклар билан бўладиган муносабатлар, солиқлар ва уларнинг ижроси хусусида сўз юритилди.
Шунингдек, ҳар бир китобдан ўрин олган тегили саволларига жавоб бериш билан эгалланган иқтисодий билимлар даражасини синаб кўриш мумкин.
Ишлаб чиқариш раҳбарлари, тadbirkорлар, шунингдек, олий ўқув юрти талабалари, умуман бозор иқтисодиёти қонуниятларига қизиқувчилар учун назарий-усулбий қўлланма бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир. Мазкур туркумнинг 4-китоби “Солиқ: 100 савол ва жавоб”, 5-китоби “Қимматли қоғозлар: 100 савол ва жавоб” ёруғлик юзини кўри. Ҳар бири 30000 нусxada чоп этилган мазкур китоблар иқтисодий масалалар билан қизиқувчиларга қўл келадди.

Азиз дунё
УЛКАН АРМЛАР
Индонезиянинг чаңгалзорларида катталиги 5 сантиметрча бўлган ёввойи асаларнинг янги тури топилди. Бундай асаларлар ўта жаҳлдор, баъзида тегажохлик қилганларга ҳужум қилиб қолиша-да, захри кучли оғриқ уйғотмайди. Мазкур асаларлар Индонезиядаги оролардан фақат учмасидангина яшар экан. Шуниси қизиқки, улар ёғочхўр чумоилар усага ин қўйиб, бир-бири билан дўстона ҳаёт кечирадилар.

БАХТСИЗ ҲАЁТ
60 ёшли заминдор Уल्याнатх Дахин Рай никоҳлар бўйича дунёда рекорд қўйган. У 89 марта никоҳдан ўтган. Ҳозир унинг олтинга хотини бўлиб, энг кенжаси 18 ёшда.
Орисса штатида яшовчи Уल्याнатхга умрида омад қилиб боқмаган деса ҳам бўлаверди. Чунки унинг 26 хотини оламдан ўтган, 57 таси эса ажрашган. Биринчи хотини тўй маросимидан икки ҳафта ўтар-ўтмас эрини ташлаб кетган.
Уल्याнатх биринчи марта ажралиши биланоқ, оиланинг бахтли ва саодатли бўлиши учун турмушда хотинларнинг кўп бўлиши кераклигини билиб олди. У баъзан атиги еттига ўғил ва учта қиз кўрганидан ҳам шикоят қилади.
Хориж матбуоти хабарлари асосида БАХТИЁР тайёрлади

Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 1-уй, 53-қондондаги “ЧАВАНДОЗ” масъулияти чекланган жамият
ТУГАТИЛАДИ
Барча дaъволар бир ой мuddат ичида қуйидаги телефон орқали қабул қилинади: 53-48-84

Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 1-уй, 54-қондондаги масъулияти чекланган “ОНА” жамияти
ТУГАТИЛАДИ
Дaъволар бир ой мuddат ичида қуйидаги телефон орқали қабул қилинади: 53-33-35

Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманидаги “Тошкент-нон шаҳри” жамоа корхонаси хусусий ишлаб чиқариш корхонасига **АЙЛАНТИРИЛАДИ**.
Дaъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мuddат ичида қуйидаги манзилгоҳда қабул қилинади:
Тошкент шаҳар, Асака кўчаси, 50-уй. ***
Собир Раҳимов туманидаги “Опенали” масъулияти чекланган жамиятнинг йўқолган думалоқ муҳри **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ПРОФЕССИОНАЛ БОКС ШИНАВАНДАЛАРИГА ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ

1997 йил 27 декабр кuni Тошкентда биринчи марта Паносиё боксчилар ассоциациясининг голлиблук белбоғи учун нарма кўлпоқ усталари уртасида кизгин мусобақа бўлиб ўтади. Қанот Сижимбоев, 1997 йилда булган ПОБА чемпиони (Қозғистон) — Фарход Арслонов, голлиблукка даъвогар (Ўзбекистон).
Санъат саройида (Панорама кинотеатрида) Профессионал бокс турнирида эстрада хонандаларининг шоу чиқишлари режаланштирилган.
Тижорат жанги дастурида Р. Бакиров (Ўзбекистон) — А. Бьков (Қозғистон), А. Вербаховский (Ўзбекистон) — Р. Семёнов (Россия), Р. Шомирзаев (Ўзбекистон) — Т. Абдухаликов (Қозғистон).
Дастур 17.00 да бошланади. Чипталар Санъат саройи касаларида, газета дуконларида, Ўзбекистон Профессионал бокс Федерацияси биносида (Авлоний кўчаси 22“А”, 3-уй 6-қават, Ижтимоий таъминот вазирлиги биносида) сотилимоқда.
Мурожаат учун телефонлар: 41-03-80, 53-27-67, 54-75-71, 53-20-60

ТАХРИРИЯТ:
Қабулхона — 136-56-58, 133-95-97;
ҳафтида бўлими — 136-54-64;
тижорат бўлими — 133-79-69; ижтимоий сўзгар бўлими — 136-54-64; спорт, хорижий ватанпарварлик бўлими — 136-58-93, котибият — 136-58-48.

МАНЕЖИМЕНТ:
1999 йил Тошкент Матбуотлар кўчаси, 32-уй
Нашр кўрсаткичи 64607
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.
Дизайн устаси: **С.ФАЙЗУЛЛАЕВ**